

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА

БУГУННИНГ БОРЛИГИ

«...Агар ер юзида бир гўдак бор бўлса, авлод бор ер юзида...» Шоир эътирофида ҳақ. Инсоннинг табиат тўфонлари-ю, жамият эҳтиёжи олдига кўзгуга тушган ғуборчалик ҳаёти мана шу авлод тушунчасининг борлиги учун ҳам бардавомдир. Бу биз «билган ва билмаган» дунёнинг болакайлари «той-той» айлаб улғаяверар экан, демек инсон умри узайиб бораверади. Яъники, бугуннинг борлиги — эртанинг муқаррар келиш кафолоти.

«Мен жилгаман дарё бўлиб
тўлгим келади,
Она юртим сенга ўғлон
бўлгим келади...»

Фақат шу иқроғина ҳар бир жонзотни Ватан нелигини англаш ва уни севиш сари етаклайди. Икки ёшга тўлаётган болакайнинг қадам олиши эндигина «оёғи чиқаётган» болакайдан дадилроқ эканини билган ҳолда ҳар иккала авлодга ҳам нурафшон йўл тилаймиз-ку, ахир! Яна шоир айтганидек:

«Оракам, фақат сенинг қў-
лингдан тугиб,
Болағдай эргашиб кета ол-
сам бас.
Сен пири қомилсан, мен сенга
муҳиб,
Сени танимаган мени ҳам
билмас.



Абдул Ғани ЖУМА сурати

УШБУ СОНДА:

БЕКТЕМИР ПИРНАФАСОВ:
СОВЧИЛИК — КАСБ ЭМАС

НИШОН ЖАББОР:
АЛЛОҲНИ ҚАРҒАМАНГ, АЗИЗЛАР!

ПАНЧАТАНТРА —
МУҚАДДАС БЕШ КИТОБ



ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР:
КЕЛАЖАК САРИ ЮЗЛАНИБ
НОРМУРОД МУСОМОВ:
СОБИҚ «ПАХТАКОР» ЧИЛАРНИ
ХОТИРЛАБ

«ИСЛОМ НУРИ»НИ УҚИЁТГАН
КИССАВУРЛАР

КЕЙИНГИ

СОНЛАРДА:

«Оила ва жамият» 31(102)

ҚИЗИҚЧИЛАР ҲАЁТИДАН

Усмон буқоқ билан Сулаймон қори деган иккита қизиқчи аскиячилар бўлган.

Иккаласи ҳаммиша бирга юришган-у, лекин бир-бирига қаттиқ ҳазиллар ҳам қилишган. (у маҳалларда одамлар ҳазилни кўтаришган). Бир кунги Усмон буқоқ Сулаймон қорига қараб:

— Қори, қачон қарама ни-магадир туртиниби ёки қоқилиб-юрасан, ке, келишволайлик: сен менга яқинроқ юр, биронта ариқ ёки чуқур тўғри келса йўталиб кўяман, шунда бир сакраб ўтасан, салгина туртсам билки йўлда нимадир бор, айланиб ўтамиз, ўқдингми? Шунда сенинг кўрлигингни ҳеч ким сезмай қолади.

Сулаймон қори рози бўлибди. Эртасига кимдир уларни тўйга айтгани келса, Усмон буқоқ бир чеккага тортиб:

— Ука, мэйли борамиз-у, лекин шу кунларда қори ғалати-роқ юрибди. Юрганида сакраб-сакраб юрса одамлар ҳайрон бўлмасин,— деб тушунтириб қўйибди.

Кечга томон тўйга боришибди-ю Усмон ака Сулаймон акага қараб:

— Қори, ҳушёрроқ бўласан, тўй маккапоёда бўляпти,— деса, қори:

— Унда менга яқинроқ юр, мен энгингдан ушлаб олай,— дебди.

Базмга кириб боришаётган эмишу Усмон буқоқ ҳар қадамда бир йўталармиш. Сулаймон қори эса бир сакрабмиш.

Ўртага етганда Усмон ака тўхтаб энди гапирман деса, ҳаммасини олдиндан билган қори олдин гап бошлаворибди:

— Мардуми-маърака, ҳайрон бўлманлар, илгари буқоқ йўталса бир сакраб тўхтатворлардим. Энди шунча сакрасам ҳам тўхтамаяпти. Томоғи қаттиқ шамоллабди, совуқни қарангки ўтаман деса шунча қалин буқоқдан ҳам ўтаркан,— деса, Усмон буқоқ қаҳ-қаҳ уриб кулиб:

— Сен ютинг, қори,— деган экан.

Еш томошабинлар театрида кунига икки, баъзи маҳаллар уч маротаба томоша кўрсатилар эди.

Қайсидир тожик драматургининг «Шуълаи офтоб» спектакли кўйилляпти. Артистлардан Турсун Валиев темирчи ролида, Лутфулла Саъдуллаев шаҳзода ролида, Тўхтамурод Исомухаммедов ит ролида чиқишади. Асар бўйича қора кучлар офтобни ўғирлаб кетишади, шаҳзода, темирчи ва ит уни излашиб бир ўрага тушишади. Шунда шаҳзода «мунча қоронғу», дейди, темирчи «зах ҳам экан жуда» деса, ит кўрқанидан қўзиб увлаши керак эди.

Тўхтамурод ака тушдан олдинги томошада эшакнинг ролида чиққан ҳозир ит эканлиги эсдан чиқиб, сўз навбати келганда увлаш ўрнига ҳанграб юборибди. Узини йўқотмаган темирчи ролидаги артист:

— Шаҳзодам, қоронғулик ва зах итга ёмон таъсир қилганидан эшакдек ҳанграб юборди. Бир қор-қол бўлмасдан чиқариб юборайлик,— деб «итни етаклаб чеккага чиқариб қўйибди.

Ҳеч ким хато кетганини ҳам сезмай қолибди.

Турсун Али МУҲАММАД

ЕТТИ КУН

БИР ЙЎЛА УЧ ЭГИЗАК

Касби туманининг Жейнов қишлоғида яшовчи Элмуродовлар хонадонига бир йўла учта чақалоқ [ўзга сайёрадан эмас] «ташриф буюрди». Икки қиз, бир ўғилни учта бешикка беланган Санобар опанинг алласи узун, қувончи фўзун бўлди. Биз ҳам эгизаклар соғ-саломат улғайишига тилақдошмиз.

БИР КУНДА ТУГИЛДИ, БИР КУНДА ЎЛДИ

Анджонлик икки оқсоқол [жойлари жаннатда бўлсин!] 66 ёшда бандаликни бажо келтирди. Улар бир кунда туғилиб, бир маҳаллада бирга ўсиб, дўст тутингандилар. То сўнгги нафасларигача мулоқотда бўлиб турдилар.

Кутилмаганда, бир шомда иккаласи мириқиб сўхбатлашгач, уй-уйига тарқалди-ю... бир вақтда жон таслим қилишди,— деб ёзади «Анджоннома» газети.

КЎРШАПАЛАК БЎЛОЛМАДИ

ким дейсизми! Янгир шахрилик 11-синф ўқувчиси. У синфдошини [севгилисими, яна ким билсин!] «Минск»ка миндириб кетаётганда автомашинага урилиб, иккаласи ҳам касалхонага тушди.

Ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган маҳаллий рокерлар— «тун кўршапалакларига» жуфтларини ўтказиб сайр қилдириш ҳаваси қимматга тушаётти,— дейди туман мелисалари.

ФАҚАТ БОЙЛАР ЙИГЛАМАЙДИ

Яқинда жумҳурият ойна жаҳонининг Сурхондарё вилояти бўйича муҳбири Парда Алимардоннинг уйига ўғри тушди. Хонадон соҳиблари тўйга кетганини билган ўғри уйдаги 20 минг сўм пул ва 35 минг сўмлик кийим-кечакларни ўмариб кетди. Изқуварлар ўғрини ушлашди. Ўғри жаноблари Термиз шаҳридаги тижорат дўконларидан бирида сотувчи экан.

«ИШОНИНГЛАР СЎЗИМГА»

«Насаф» нашриёти бир йиллик фаолиятида Фароғат Мусулмон қизи, Ҳуснора Неймат қизи, Дилфуза Расул қизи, Улуғбек Ҳасан ва Баҳодир Абдуразоқ каби 16-18 ёшлардаги ижодкорларнинг китобларини чоп этди.

Еши бир жойга етиб қолган бўлса-да, ҳалигача илк китобини чоп этолмай юрган баъзи адиблар олдида қашқадарёлик истеъдодларнинг муваффақияти чакки эмас.

МАКТАБНИ ТАШЛАБ ДАЛАГА

Қамашининг Чим қишлоғида 11 йилдан бери дарс бериб келётган адабиёт муаллими Тўра Эшпўлатов тўсатдан мактабни ташлаб ширкатга бригадир бўлиб кетди. Сабаби ҳозирча номаълум, ҳарқалай иқтисод эмас,— дейди жанобнинг собиқ сабоқдоши, ёзувчи Темирпўлат Тиллаев.

«ЧЕПУХА!»

Биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳига ҳужжат топширган бўлажак толиба тестни биринчи бўлиб топшириб чиқди. Ва ҳаёндан юрак ютиб [қалтираб] турган ота-оналар уни ўраб олишди. Қизиги, толиба «қалай, саволлар қийин эмасмикин!» деган саволга «чепуха!» деб қўя қолди.

ОТАСИ ҚИЛГАННИ ҚИЛДИ

Боғдодлик ҳажвчи шоир Зоҳид Нейматдан янгикўрғонлик «кишбилармонлар» бошлаб ўч олишди. Бечора шоирнинг атиги олти йилча минилган, ҳатто Тошкентда ҳам тилга тушган «поянги» велосипедини у озиқ-овқатлар дўконига кирганда «шимо» қилиб кетишди. Кейин нима бўлди дейсизми! Ҳеч нима. Шоир, Муҳиддин қизик айтмоқчи: «Отаси қилганини қилиб» — уйига пиёда қайтди.

МУҲБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

эмас.

— Сизнингча, қиз сўрашнинг дастлаб аёл киши бошлагани маъқулроқми ёки эркак киши?

— Совчилик ҳар замонда ўзига хос кўринишга эга бўлган. Бу кўриниш ҳар бир оилада ҳам ўз-аксини ўзгартириши мумкин. Менимча, барибир аёл киши бошлагани яхшига ўхшайди-ю лекин кўпинча келин томон аёл кишига аниқ жавоб қилишмайди. Мужмал тугунни ечиши барибир яна эркакларга қолади. Оиланинг турмуш тарзи ва нозик томонларини аёл киши ўрганса-ю, совчиликни эркак киши бошлагани яхши деб ўйлайман, яна қайдам...

— Иш «пишса»— совчига муқофот, «пишмас» турли

келишмовчиликлар фаолиятингизда учраганми?

— Аввало, совчилик — далолик эмас. Умр савдоси бозор савдосидан жуда катта фарқ қилади. Мақтанниш эмас-у, қаерга борсам шининг «пишиши» ҳақидаги хушхабар мен билан бирга қайтади. Бунинг учун мен энг улуг муқофот — ҳурматга лойиқ бўламан. Сиз айтгандек қилишганлари қулоғимга чалинган, худого шукр, мен унақаларга учрамадим ҳали.

— Совчиликни яхши кўрасизми?

— Совчилик — савоб иш. Савоб ишдан бош тортиш эса — гуноҳ.

Бектемир ПИРНАҒАСОВ
ТошДД толиби



ВОЙ, ЖУДА ЧИРОЙЛИ КАПАЛАК ЭДИ-Я!

Абдул Фани ЖУМА сурати

СОВЧИЛИК — КАСБ ЭМАС

Мен бу сўзнинг луғавий маъноси-ю қандай келиб қолгани билан қизиқмадим... Аммо англадики, улар эзгу-севар, мусулмон оламида яралган ҳар биримизнинг дунёга келишимизга ота-онамиздек сабабчи кишилар.

Хайрихоҳ, савобгалаб, оқибатпарвар. Улар учун айтилган бу сўзлар менинг таъриф учун янги сўз қидиришим бефойдалигига далил.

Йигитлар юрагини гуптириб, қизлар юрагини ўйнатиб, ширин бир орзиқшига етакловчи бу сўз — **СОВЧИЛИК**. ИИ, тобора-тобора катта-роқ қилиб ёзгим келаверади.

Менда қишлоқнинг кайвони-совчилари билан сўхбат қуришга имкон бор эди. Лекин қуйида исм-шарифи зикр этилгучи кишининг бир неча унвонлар билан танилганидан кўпроқ, совчилик билан танилиб, орттирган обрў-эътибори мени қизиқтириб қолди. Сўхбатимизга, истеъдодли шоир Азим Суюннинг жуфти ҳалоли Ойгулхонимга совчи ҳам шу киши эканлиги қувончли туртки бўлди.

Урол Абилов — иккинчи ТошДавГО фалсафа ва мантқиқ шўъбаси мудири, фалсафа факультети номзоди, дотсент. Унинг яхши совчи сифатида

донги қўшини Қозоғистонга ҳам етган.

— Совчиликнинг касбми, мансабми, ҳикмати ёки ҳар қандай одамнинг кўлидан келадиган ишлиги тўғрисидаги баҳсларда бўлганман. Бу ҳақда Сизнинг фикрингиз қандай?

— Сиз айтиб ўтганларни бирортасини бу ишга дахли йўқ. Энди, бу ишга шоирликдек истеъдод керак, десам ошириб, оддий ўқув керак, десам камайтириб юборгандай бўламан унинг таърифини. Баъзан менга ҳам қалбига совчилик-ку, деб қолишади, лекин совчилик касб

Қадим Шарқ адабиёти инсонни яшашга ўргатадиган, олижаноблик, инсонийлик, яхши хулқларни тарғиб қиладиган кутлуг китобларга бой. Айниқса, кўна Хиндистон адабиёти кишига кутлуг билимлар берувчи китобларнинг туганмас хазиналари билан машхур.

«Панчатантра» — инсонни яшашга ўргатадиган мана шундай кутлуг китоблардан. Унинг муаллифи номаълум. Илк нусхалари эрамининг III-IV асрларида майдонга келган. «Панчатантра» — беш китоб дегмадир. У Шарқ бадиий прозасининг илк гўзал намуналаридан. «Панчатантра»нинг илк нусхаси топилмаган. Лекин унинг кейинги замоналарда турли ерларда яратилган турли характердаги нусхалари мавжуд. Булар ичда роҳиб Пурабхадра 1199 йилда барча нусхалар асосида тузган жойна нусхаси энг мукамал ҳисобланади. Шу мукамал нусха асосида 1972 йилда Москвада «Панчатантра» рус тилида А. Сиркиннинг санскритдан қилган таржимасида босилди.

«Панчатантра» VI асрда сурвий тилига таржима қилинган. Шундан сўнг араб ва паҳлавий (Ануширвон Одил замонида қилинган бу таржима Барзуз қаламига мансуб) тилларга ағдарилган. Шу тариқа у тиллардан тилларга оша, мамлакатлардан мамлакатларга оша ўзининг узоқ шарафли йўллари босиб ўтган. «Панчатантра»нинг арабчага илк таржимаси «Калила ва Димна» деб аталган. Вақт ўтган сари, тиллардан тилларга кўчган сари «Панчатантра»нинг шакли ҳам, мазмуни ҳам ўзгариб, унинг янгида янги вариантлари яратиларкан. Ҳар бир таржимон унга ўзидан кўп нарсалар қўшган. Шу тариқа ақл нусхалар билан бошқа тилларда турли даврларда қилинган таржималар ўртасида жуда катта фарқлар юз бера келган.

«Калила ва Димна» ўзбек тилига ҳам бир неча мартаба таржима қилинган. Энг кейинги таржима олима Суййима Ганиева қаламига мансуб бўлиб, у Эронда 1938 йилда нашр этилган Абдуллазим Гариб тексти ва озарбайжонча таржима асосида амалга оширилган. Шу билан бирга бу таржимода Алмай текстидан ҳам фойдаланилган.

Лекин асл Пурабхадра нусхасининг қурилиши, шакли, бадиий ўзига хосликлари тамомилан ўзгача бир гўзалликдир. Бунда услуб ва усуллар ҳам тамомилан ўзгача. Унда ҳикоятлардан ҳикоятлар келиб чиқади. Ҳар бир ҳикоят гўзал ва терең ҳикматга эга бўлган байт билан бошланади ва шу байт билан тугалланади. «Панчатантра»нинг номаълум муаллифи қилинган бештадир беҳад чиройли услубидан фойдаланади. Ҳикоятлар ичда яна ҳикоятлар келтирилади. Ҳикоятларнинг ўзига хос наватлари ҳосил бўлади.

Тарихчи Диноварийнинг ҳикоя қилишича, сосоний шоханшоҳлардан Хусрав Парвиз ўзи билан тахт ташлаётган Баҳром Чубиннинг жанг майдонида «Панчатантра»ни ўқиб ўтирганини эшитиб, «Мен ҳеч қачон Баҳромдан бунчалар кўркамман эдим. У «Калила ва Димна»ни бош кўтармай ўқийётган эмиш. Чунки бу китоб одамда ўз фикридан кура олийроқ фикрларни ўргатади, одамни ўзидан кўра оқилроқ қилиб қўяди. Чунки бу китобнинг сирини адаб ва донишмандликдир» деган экан.

Асл нусхасининг тароватини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Уқувчилар камчиликлари бўлса, кеңириб, яхшиликларидан тўла баҳраманд бўладилар деб умид қиламан. «Панчатантра»нинг биринчи китоби бир неча йиллар бурун «Эшлик» журналин эълон қилган эди. Куйида эътиборингизга «Панчатантра»нинг иккинчи китобидан ҳикоятлар ҳавола қилинади.

ПАНЧАТАНТРА — МУҚАДДАС БЕШ КИТОБ

ДЎСТЛАР ОРТТИРИШ

«Дўстлар орттириш» деб номланган иккинчи китоб шу ердан бошланади. Мана унинг биринчи банди:

Гарчи ошно қашшоқ эрур, лек доно иш кўрса дўстлар Худди қарға, кийик, сичқон, тошбақадай енгиб қиқур.

Шаҳзодалар сўрашди: — Бу қандай бўлди? Вишнушарман ҳикоя қилди: — Жануб томонда Прамадаропия деган шаҳар бор. Унинг атрофларида шохлари йўғон ва қалин ўсган баниян дарахти бўлиб, ҳамма унинг соя-салқинидан баҳраманд экан. Бежиз айтилмаган:

Қалин шохлар ичра юзлаб қушлар уя қуршиган

Соясига ётур кийиклар. Маймунлар ҳам ошён тагиб унинг бағрида ўйнар

Ғувиллашиб бол арлар Арсал йиғиб гулларидан. Ёзозланар ўша дарахт Ҳар қачон шулар вақидан Барча олур ундан баҳра. Ким айтадир ерда бекор Яшаётир у нобакор деб!

Шу дарахтда Лагхупатанака деган қарға яшарди. Бир кун у овқат қидириб шаҳарга жўнади ва шунда баниян тагига итларини эргаштириб қуш овловчи келганини кўрди — овчининг афти-башараси кўрқинчли, қўл-оёқлари тирналган, болдирлари ўйнаган, териси ғадири-будир, сочлари тикка-тикка, кўзларига қон тўлган эди. Қўлида тўқмоғи ва тўри бор эди. Кўп сўз не ҳожат! Овчи қўлида сиртмоқ тугган Калага ўхшар, қуйиб қўйган гуноҳи азимнинг ўзгинаси, турган-битгани бедодлик эди, — унга қараб туриб, барча ярамас ишларнинг сарвари, ўлимнинг малайи деб ўйлаш мумкин эди. Қарға уни кўргач, ўйлаб қолди: «Бу баттол ўзи нима қилмоқчи? Мени ўлдирмоқчимикан ёки бошқа бировни?» Шунинг билгиси келган қарға овчининг орқасидан учди. Овчи тўрини ёйди, тепасига дон сочди ва шу орада биткиниб ётди. Атроф-теваракдаги қушлар Лагхупатанака томонидан огоҳлантириб қўйилгани учун худди ҳақдор сочилгандек гурунч

доналарига тегмадилар ва ўз турган ерларидан жилмадилар.

Бу орада юзлаб кабутарлар қуршо-вида дон излаб юрган кабутарлар подшоси Читрагрива узоқдан мана шу гурунч доналарини кўриб қолди. Подшоҳ қарғанинг огоҳлантиришларига қулоқ солмай очкўзлик қилиб чиқиб ерга қўнди ва ҳали дондан чўқимай туриб, бошқа кабутарлар билан бирга кўз очиб-юмгунча тўрға тушди. Дарвоқе, бу ерда кабутарнинг айби йўқ — омад кетганда шундай бўлади қис-матда.

Донолар ҳам баъзан тушиб қолар ёмон тузоққа.

Пешонага битган бўлса — ақл танлар экан янглиш йўл.

Шунда овчи хурсанд бўлиб кетиб, тўқмоғини кўтарганча кабутарларга ташланибди. Читрагрива эса йўлдошлари ҳамда ўз бошига тушган бахт-сизликка қарамай, ўзини йўқотиб қўймасдан, кабутарларга деди:

— Кўрқманглар! Кўрқманглар! Барчамиз баробар учайлик — ўзимиз билан тўрни ҳам кўтариб кетамиз. Ҳамма баравар учмаса, тўрни кўтаролмаймиз. Бир ёқадан бош чиқар-салқ, қутуламиз. Акс ҳолда ҳалок бўламиз. Айтганлар-ку:

Битта қорин, икки бўйин — овқатлари турли-туман,

Жанжал чиқиб ўртасида қуш жони-га жабр бўлди.

Кабутарлар сўрашди: — Бу қандай бўлди? Читрагрива ҳикоя қилди:

БИРИНЧИ ҲИКОЯ

— Бу ердаги бир қўлда бхарунда деган қушлар яшашарди. Уларнинг ҳар бирида битта қорин ва иккитадан бўйинлари бор эди. Кунлардан бир кун бхарунда айланиб юриб, битта бўйинини чўзиб, гулнинг шарбатини ича бошлабди. Шунда унинг иккинчи бўйни дебди:

— Менга ҳам бер.

Биринчи бўйин шарбат беришдан бош тортибди, шунда иккинчиси қандайдир заҳар топибди-да ютиб юборибди. Шунда ҳар икковлари ҳам тил тортмай ўлиб қолибдилар. Ахир уларнинг қоринлари битта экан-да.

Шунинг учун айтяпман-да: «Битта қорин, икки бўйин деб...» Бизнинг кучимиз — ҳамжихатликда.

Кабутарлар буни эшитгач, халос бўлгилари келиб, барчалари бирва-ракай осмонга кўтарилиб, тўрни ҳам уқ етмас тепага олиб чиқиб кетибдилар — ҳавода худди сочидор осилган-

дай бўлиб қолибди. Улар шу тариқа дадил парвоз қилибдилар. Қушбоз бошини кўтариб кабутарлар тўрни олиб учётганини кўриб, оғзини очиб қолибди ва: «Епирга, бу қандай бўлди!» — деб, байт ўқибди:

— Тўда-тўда қушлар тўрни олиб узоқларга қочарлар,

Лекин жанжаллашиб қолсалар, яна ушлаб оларман.

Шу фикрга келиб, у қушлар ортдан тушибди. Читрагрива баттол овчи қувиб келаётганини кўриб, унинг ниятини фаҳмлабди-да, кўрқмай ўтиб бўлмас ўрмон ва тоғлар устидан учибди. Шунда қарға Читрагриванинг ақлига, таъжубига эса қабих қайсарлигига қашшоқчи ошиб, овқатни ҳам эсдан чиқариб, кабутарлар тўдаси орқасидан учибди ва ўзига ўзи шундай савол берибди: «Бу олижаноб қуш нима қиларкин, манов пасткак эса қандай йўл тутаркин?» Мана, ниҳоят, овчи ўтиб бўлмас жойларга дуч келиб, энди кабутарларни тутолмаслигига кўзи етибди-да, умидини узиб, орқага қайтибди ва шу сўзларни айтибди:

Қисматда ёзилган бўлади, Бўлмағай битмаса тақдирда.

Абасдир йўққами югурмак, Чиқиб кетар ўлжанг қўлингдан.

Овчи ташламасам бўлмайди. Ҳатто оиламни боқиб турган тўрни ҳам йўқотиб қўйдим. Овчи уларга етиб олишдан умидини узганлиги ва орқага бурилганлигини кўриб, Читрагрива ҳамроҳларига деди: — Бежавотир учинглар. Баттол овчи орқага қайтди. Энди энг яхшиси, Прамадаропия шаҳрига қараб равона бўлайлик. У ерда шимоли шарқ томонда менинг суяоқли дугонам — Хирания деган сичқон яшайди. У бирпасда тўрни кемириб ташлайди ва бизни қутқаради.

Шундан сўнг улар ҳаммалари Хиранияни тезроқ кўриш учун шошилдилар, ниҳоят, унинг ғалати қилиб қурйилган инига етиб келиб, ерга қўндилар.

Барча хатарлардан омон сақланайин деган сичқон Ҳар томонга ерни қазиб, йўллар солиб иини қурди.

Бу орада нима гаплигидан бежабар Хирания қуш қанотларининг пагирлаган овозидан кўрқиб, инининг мушук панжаси етмайдиған энг чуқур ерига беркинди-да, ўша ердан туриб нима бўлаётганини кузатди. Читрагрива эса ин оғизга яқин келиб, деди: — Қадрдон Хирания! Тезроқ бу ёққа чиқ. Аҳволимни бир кўр.

Хирания буни эшитиб, ётган жойидан туриб овоз берди:

— Узинг ким бўласан, қадрдон? Нега келдинг? Бошинга нима ташвиш

тушди? Айтиб бер.

У жавоб қилди: — Мен кабутарлар подшоҳи Читрагриваман, сенинг дўстинг бўламан. Тезроқ чиқа қол.

Сичқон буни эшитиб, ғоятда хурсанд бўлди, инидан югуриб чиқди ва деди:

Кўзларнинг қувончи дўстлар муҳаббатга лиммо-лим тўлиб,

Ер-биродарлар дийдорин кўргани ҳозир эрурлар.

Сичқон Читрагрива ўз аъёнлари билан бирга тўрға илиниб қолганлигини кўриб, сўради:

— Қадрдон, қандай қилиб илиниб қолдинг?

У жавоб берди: — Қадрдон, сўраб нима қиласан, ўзинг кўриб турибсан-ку? Айтилган-ку ахир:

Қачон, қандай, нимага, яна қанчалар, Қилғиликлар қиламиз — яхшидир, ёмон

Ушанда, анавиндай, ниҳоят, шунинг-чун Тақдир тақозоси деб, жабрини тортамиз.

Ва яна: **Юз йўжандан узоқда қуш кўрар ўлжасини**

Ёнда тузоқ пайқамас, қисматда ёзган шундай.

Эса яна: **Баландларда учадди қушлар Лек хатардан омон йўқ.**

Денгиз ичра сузар балиқлар Кутулмас балиқчидан.

Панадаги омон қоларми! Қайга беркинма насфиз.

Лўттибоз тақдир қўли узун Қўймай тутар бўзгундан.

Шунда Хирания Читрагривани банддан озод қила бошлади, лекин у сичқонни тўхтатди:

— Қадрдон! Бундай қилиш ярамайди. Аввал ҳамроҳларимни банддан озод қил.

Хирания жаҳли чиқиб, деди: — Йўқ, тўғри эмас. Аввал ҳўжа, сўнг хизматқорлар.

У айтди: — Ундай дема, қадрдон! У шўрликлар бошқаларни демай менга хизмат қиладилар. Ахир, уларни сийламай бўладими? Бунинг устига мени қутқаргач, тишинг оғриб қолса-чи? Е баттол овчи қувиб келса-чи? Унда мен тўғри жаҳаннамга тушаман-ку. Айтилган-ку ахир:

Содиқ куллар кулфат тортиб, бир чеккада турса ҳўқдор

Сўнг азобин тортар бунинг, дўзар тушар бео

Буни эшитиб Хирания деди: — Мен ҳўқдорнинг азобида қандай ҳамма кулларнинг бўшат сендан миннатдор бўлиш

Хирания шундай деб бтарларни тўрдан озод қилди

гривага қараб айтди: — Энди маконингга қардон.

Шундан сўнг Читрагриври билан бирга уйга учди

ДАВОМИ КЕЛГУ ИБРОҲИМ ҒАФУР



Қаро
Зануф
Сани
Хўқдор
Муҳоси
Ғазаб
Бўлиду
Кочиб
Халойи
Улуқлар
Қаёнат
Хўдо фар
Бўлдурсен
Қувонма
Қаро ер
Хожа Аҳ
Бўлдурсен

АЁЛ ҒУЗАЛЛИГИ — УНИНГ ОДОБИДА

Аёл — бу сўзни тилга олганимизда, беихтиёр кўз ўнгимизда онамиз намоён бўлади... Менинг ўйлашимча кизларнинг тарбиясига оналар алоҳида эътибор бермоқликлари лозим. Чунки, кизлар бўлажак она, бўлажак уй бекалари бўлибгина қолмай, жамиятнинг келажаги, неча йиллардан кейин бунёд бўладиган янги оиланинг илдири хамдир. Яқинда кичкинагина, аммо ачинарли бир воқеанинг шохиди бўлдим. Бекатда автобус кутиб турган эдим, кизчасини етаклаб келадиган аёл ёнимга келиб тўхтади. Кизчаси нимадандир кўнгли тўлмай хархаша қилар, бакириб тинмай йнлар эди. Хамманинг кўзи уларда. Шунда онаси (ўзича атрофдагилардан уялган бўлди) кизининг бетига биринки шاپалок урди, башараң курсин, деди. Йнглаб кизариб кетган кизча онасига жавобан чучук тиллари билан ўзингизнинг башараңгиз курсин, деди. Она ғазабланиб бир ўкрайиб кўйди. Мен кизчани айбдор қилмоқчи эмасман, кизни ўстираётган аллақачонлар унинг тарбиясини бузиб бўлган онани қораламоқчиман, холос. Киз бола кўзга тик қараб гап қайтардим — у киздан яхшилик кутиш кийин. Шунинг учун кизларимизнинг одобига алоҳида эътибор берайлик. Кизларнинг ғузалиги, уларнинг ташқи киефасидигина эмас, балки уларнинг одобида хамдир. Қалби пок, одоби ғузал бўлган киз, ҳар ерда ўзининг ғузалигини, яхши ота-онанинг фарзанди эканлигини кўрсата олади.

Ҳар бир киз турмушга чиқар экан, ўзи бораётган хонадонга файз, барақа, олиб қиради. Бўлажак уйнинг остонасидан қадам ташлар экан, оппоқ ниятлар, ораулар

билан тўлган ўй-фикрлар оғушида бўлади. Тўй қунидан бошлаб у ўзга хонадонга фарзанд бўлади. Қарсикки қўлдан чиқади деганларидек, келин яхши бўлса, қайнона яхши, қайнона яхши бўлса келин яхши бўлади. Келини билмаганларини болам-бўтам қилиб, яхши гап билан қайнона ўргатса, келин хам шунга жавобан иш тутари. Қайнонани ҳурмат қилиб ойна-ойижон деб ййдирса, қайнона хам келинни ўз кизидек кўриб, суяди. Оиладда аёллар ўртасида аҳиллик бўлса, ака-укалар, ота-ўғиллар ўртасида меҳр-муҳаббат мустаҳкам бўлади. Келин қайнона билан қандай муомалада бўлса, келажақда ўзи хам шунга сазовор бўлади, у хам бўлажак қайнона. Қайтар дунё деб бежиз айтишмаган.

Лўнда қилиб айтганда, кизларимизни келажақ ҳаётга тайёрлашда адашмайлик. Уларнинг бўлажак она, ўз фарзандларининг тарбиячиси, вафодор ёр, меҳрибон келин бўлиши учун биз оналар кўпроқ қўнжачлик қилишимиз даркор. Бир донишманд шундай деган экан: «Аёл аёл аёллигини адо этишга киришмас экан, биз ҳеч нарсага эриша омаймиз». Бас шундай экан ана шу аёл номимизга доғ туширмайлик. Қизларимиз иболарини йўқотмасинлар. Турмушга чиқиб мустақил ҳаётга қадам қўйганларида аёллик бурчларини ёддан чиқармасинлар, токи аёл номини буюқлигича сақлаб қолсинлар. «Киз боланинг ҳаёсининг ор-номусидирким, ҳар қандай бойликдан устун турарди».

Гулнора
НУРМУҲАММАДОВА

● Аҳмад ЯССАВИЙ ●

ҲИҚМАТ

Қаро қўндур ўшал соатки дунёдин сафар қилсанг,
Зану фарзанд, молу мулкинг — барисиндан гузар қилсанг.

Сани қўймас ажал ҳаргиз неча ҳўқминг равон бўлса,
Ҳўқўмат бирла оламин агар зеру забар қилсанг.

Муҳосилдур халойиқга ажал мисли сипоҳлардек,
Ғазаб бирла олур жонинг неча мо зорилар қилсанг,

Бўлидур барчага фармон йлўмни шарбатин ичмоқ,
Қочиб ондин қўтулмассен неча ондин ҳазар қилсанг,

Халойиқнинг мазорига бориб бир-бир тамоша қил,
Улўқлардин олўб ибрат, керак бағринг кабоб қилсанг.

Ҳаниша яхшилик қилгил, кетарсен ушбу дунёдин,
Қиёмат обрўйига керак ҳўни жигар қилсанг,
Ҳўдо фармонини тутган бўлур ул авлиёлардин,
Бўлдурсен авлиёлардин риёзат қўброқ қилсанг.

Қувонма молу мулкингга қўриқтур бу ажал охир,
Қаро ерга кирурсен охир неча мо қарру фарр қилсанг.

Ҳожа Аҳмад, маъсият бирла ҳаётинг қилмагил зое,
Бўлдурсен лойиқи ҳазрат агар тоат саҳар қилсанг.

«Алла эшитмаган боланинг эътиқоди суст бўлади», — дейди ота-боболаримиз.

Ҳўш, «Алла» дегани нима! Маълумки, Исломи дини кириб келгандан бошлаб кизларимиз бутун оламни яратувчи яккаю-ягона илоҳий куч эгачи — Аллоҳ таолога сўгина бошлаганлар. Уни бошқа ҳўдолардан фарқлаш учун «Аллоҳий» — шу ҳўдога деб ибодат қилишган. «Ал» арабча «шу» деган маънони билдириб; Ал Беруний, Ал Фаробий, Ал Ибн Сино, Ал Хоразмий алломаларимиз номига хам қўшиб ишлатилган. Ўз замонасидаги Хоразмий, Берунийлардан фарқлаш учун Ал Хоразмий — шу Хоразмий, Ал Беруний — шу Беруний, яъни бошқаси эмас, деган мазмунда қўлланганлар.

Бола туғилгандан кейин уни воэга етказиш учун ота ва онанинг бурчи бор. Онанинг биринчи бурчи — болага кўкрак туттиш, иккинчи бурчи эса боланинг қўлоғига Аллоҳнинг номини синг-

АЛЛОҲНИ ҚАРҒАМАНГ, АЗИЗЛАР!

дириш. Шўбҳасиз, бола қўлоғига биз юқорида айтганимиздек, яккаю-ягона дунёнинг яратувчиси Ал-илоҳий номини сингдириш керак. Маълумки, айтилиши кийин бўлган Ал-илоҳий сўзи тилда Аллоҳ шаклида ихчамлаштирилиб, талаффуз қилинган. Бора-бора янада ихчамлашиб, «Алла» деб талаффуз қилина бошлаган ва шу тариқа «Алла» шаклига келиб қолган. Шунинг учун хам айтишадикки, аллани меҳр билан айтиш керак. Иккинчидан, ҳўдонинг номини, албатта меҳр билан тилга олиш керак. Алла деб

Аллоҳнинг номини тилга олаётганини хамма опасингилларимиз хам билвермасалар керак. Баъзан боласи инжиқлик қилиб ухлаган она, аллани зарда билан айтганини, ҳатто зарда билан қарганиб айтётганининг хам гувоҳи бўламиз: Товушинг ўчгур алла-ёв, Ухлагмасанг — ўхловсиз қолгин алла-ёв...

Аллоҳни қарғаманг, азизлар! Аллоҳ номини болангиз қўлоғига ҳар доим меҳр ва эътиқод билан қўйинг!

Нишон ЖАББОРОВ
Чироқчи тумани

УЗБЕК ҚИШЛОҒИДАГИ
«ОВРУПОЛИКЛАР»

Мақтаб ўқувчиси зино-жиноят эканлигини яхши тушуна-да бу иш жуда катта гуноҳ эканлигини билмасди. Улар ўн олти ёшгача спиртли ичимликлар ичиш мўмкин эмаслигини билган эканликлари ҳолда шариятда бу каби нарсалар ҳаром ҳисобланиб, ҳатто оғизга олиш хам маън этилганлигини билмасдилар. Уша мурғак қалбларга озроқ мўқдорда диний таълим берилганда улар қадаҳни қўлга олганларида ҳеч бўлмаганда бир сесканиб кетишлари турган гап эди!

Қўшни қишлоқлик тенгдош ўртоқларимдан бири туғилган кўнини нишонлаш кечасига таклиф қилди... Дастурхон тўқин-сочин барча ноз-неъматлари турли хилдаги ичимликлар сероб, қийқириқлар, йўши қўлгилар авжида. Мен даврада болаларни, айниқса, қизлар ўзларини бу қадар эркин тутишларини кўриб ҳайрон қолдим. Дастурхонга қўйилган таомлардан ҳеч бир тортимасдан тановул қилишар, ичкиликка келганда эса бирортаси қадаҳни қайтармасди. Кеча охирлаб қолганда кимдир: «Келинлар, йўшлар биргалликда рақсага тушамиз», деб қолди. Дастурхон йўшштирилиб давра қилинди. Мазнитафонда жазавали хоризжий қўшиқ янгради. Шунда

барча йўш-қизлар шайтонларча рақсага тушиб кетдилар. Улар умуман бизнинг миллат вакилларига йўшмас, ўзбек қишлоғига ноаҳон келиб қолган овруполикларга йўшаб кетардилар. Уларнинг йўшга тутишларини бир бурчақда таажуб билан кузатиб тургандим, бир маҳал қўш-қўзлари чиройликкина, юзлари қизаринқираган қиз келиб, «Юринг, бирга йўнаймиз» — деб қолди. Қизга нима деб жавоб беришимни билмай тургандим, «Вой, бу йўшнинг уяччанлигини-ей», дея қўлимдан тўтиб даврага торти бошлади...

Уша воқеадан кейин йўланиб қолдим: давра шўтирокчиларининг ота-оналари бўлса керак. Наҳотки улар фарзандларини бу йўлдан қайтармасалар? Наҳотки ярим кечаси уйга қўзлари сузилиб, ширакайф бўлиб борган йўш-қизларининг тутган йўллари хатарли эканлигини билла туриб лом-ним демасалар? Хамма жирканч ишлар жиноятлар хам биринчи босилиш нотўғри қадамдан бошланади. Фишг қўлидан кўчгандан кейин пушаймон, кўз ёшларига ўрин қолмайди.

Д. ИСЛОМОВ,
Навоий вилояти



ДАРЕ МАВЖЛАРИГА ЕЗИЛМИШ ҒАЗАЛ...

Б. МУҲАММАДЖАНОВ сурати

Маслаҳатлар

ЭРКАКЛАР НИМА УЧУН АЁЛЛАРДАН КАМ ЯШАЙДИ!

Аёлларнинг ўртача умри эркекларникидан узоқ эканлиги ўтган асрлардаёқ одамлар диққатини жалб қилган эди. Бизнинг ҳозирги кунимизда ҳам бу борада ҳеч нарса ўзгаргани йўқ.

Эркеклар биологик нуқтан назардан ҳаётга қобилиятлари камроқ бўлади, бутун умр мобайнида катта асабий-руҳий оғирлиқни бошдан кечириб билан бирга, қаритиб қўядиган ишларни қиладилар. Уларнинг асаблари аёлларга мунтазам равишда кўп зўриқиб туради.

Юрак-томир касалликлари аёлларга нисбатан эркекларда ўн йил олдин бошланган бўлади. Маълум бўлишича, сурункали бронхит билан оғриётганларнинг кўпчилиги чекувчилар экан.

Бахтсиз ҳодисалар тўғрисида кўпгина эркеклар умри ҳазон бўл-

моқда, бунга кўпинча ичкилик сабаб бўлмоқда.

ТУЗ

Кийимга сачраган ёғ доғини кетказадиган бирор нарса топилмаса, доғга туз сепиб авайлаб артиш керак; доғ батамом кетгунча тузни янгилайвериб керак.

Қайноқ намакобга 2-3 соат ботириб қўйилган супурги синмайди.

Хўл ўтин тезроқ алангаланиши учун керосин ўрнига бир чимдим йирик туз сепиш kifоя.

Тўқ ранг шойи ва сатиндан тикилган кийимни ювгандан кейин намакобга [5 л сувга 125 грамм туз солинади] чайилса ялтираб туради.

Бир чимдим туз солинса тухум оқи тез кўпиради. Тухум оқиға ванил қанди ва қаймоқ қўшилса, хушхўр ванилли крем [ширинлик] ҳосил бўлади.

СИРКА

Бир ош қошиқ сирка қўшилган совуқ сувга сабзавотлар бир соат солиб қўйилса, диркиллаб туради.

Картошканинг пўстини арчганда қўл қораймаслиги учун қўлни олдин сиркада хўллаб, артмай қўритиш лозим. Шафдаги ёки нон идишдаги ҳидни

кетказиш учун шаф деворчаларини сиркага хўлланган латта билан артиш ва шафни шамоллатиб туриш лозим.

Клеёнка сода қўшмасдан илиқ сувда ювилса ёрилмайди; клеёнка сирка қўшилган сутга латта хўллаб артиш ҳам мумкин.

Эмал қопланган идишлардаги доғ сиркага хўлланган доқа билан артганда кетади.

Дераза ромларига сирка суриб қўйилса, очиқ деразадан пашша кирмайди.

Янги пиликни сиркада хўллаб қўритгандан кейин керосин чироғига қўйилса тутамасдан ёнади.

Идишда сиёҳ қуюлиб қолганида бир неча томчи сирка томизилса, сиёҳ яна суюлади.

Сирка қўшилган сув билан тозаланган чарм қўлоқ ва трикотаж буюмлар жуда майин бўлади.

Сарёғни сирка шийдирилган тоза салфеткага ўраб ва ёнига икки чақмоқ қанд қўйиб, устига бирор идиш тўнкариб қўйилса, мазаси анчагача яхши сақланади.

Дилбар тайёрлади

Дераза

ТАШВИҚОТ КЕРАК ЭМАС

Москов аҳолисига тез орада сувни тежаб ишлатишни тарғиб этишга ҳожат қолмайди. Чунки бу ердаги заводлардан бири сув ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Демак, бутун хонадонлардаги сув қувурларга ҳисоблагич ўрнатиладиган кун яқин. Кейин сувдан истаганча фойдаланинг, ҳатто капиталист сингари «осмону фалак»даги уйингизга ховуз қуриб кунда чўмилинг. Фақат чўнтагингиз кўтарса бас.

ИТНИНГ МЕҲРИ

Воқеа Қозонда рўй берди. Алта отлиқ овчарка эгаси билан сайрдан қайтса иккита уч ойлик кучукчаси жойида йўқ. Валакон эшиги ланг очилиб ётибди. Ит улаб юборди ва ташқарига отилди. Хўжайин унинг ортидан чолди. Ит бекатда катта спорт сумка кўтарган йигитнинг олдидан тик бўлди. Йигит сумкани кўтара қочди. Овчарка икки сакрашда уни асфалтга босди. Хайрият, итнинг эгаси ўғрини қўтқариб қолди.

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОН

Московлик жанобнинг уйига ғалати «меҳмон» келди. Кеч тушиб қолган, у оромқурсида ястаниб телевизор томоша қилиб ўтирар, ташқарида эса момақалди роқ гўмбурлаб, чақмоқ чақнар эди. Хонанинг чироғи ўчириглич эди. У орқасида беҳос шитир-шитир товуш эшитди. Бурилиб қараб, икки қадам нарида ердан ярим метр баландликда бир метрлар узунликдаги яшил тусли нарса липиллаб турганини кўриб, жойида қотиб қолди. Арқонсимон нур йўқолгачина ўзига келди.

Воқеа тафсилотини эшитган мутахассислар уй эгасини омон-эсон кўриб турганлари билан чин юракдан қутлашди. Чунки «ғалати нарса» маълум тасодиф тўғрисида пайдо бўлган кучли электр разряди экан.

МАШИНА ЙЎҚОЛМАЙДИ

Жанубий Америка Республикаси политсиаси машина ўғриларини тутганининг энг қулай усулини ўйлаб топишди. Яъни машиналар ичига митти электрон ёрлиқ қиририб қўйилади. Ерликдаги махфийлаштирилган ахборотни эса политсиа томонидан шаҳар кўчалари ва миллий автоўлларга ўрнатиладиган махсус «радио»лар «ўқий» олади. Йўқолган машина эгаси хабар бериши билан электрон кузатув тизими ишга солинади. Тезда ўғри қаердалиги маълум бўлади.

Тартиб посбонлари нархи 110 долларлик электрон ёрлиқни машина соҳиблари харид этармикан, деб бироз ташвишланиб туришибди. Лекин олишса керак. Чунки бу мамлакатда бир йилда 83 минг машина йўқолган. Топилгани эса 34,5 мингта.

МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

«ИЛОҲИЙ ҲАДИСЛАР»

«Илоҳий ҳадислар» ҳақида. Муҳаддислар ҳадисларини икки турга ажратадилар: «Аҳодис-и Набавийя», яъни бевосита пайгамбаримиз айтган сўзлар. «Ҳадиси Қудсий» — Расули Арам Афандимизнинг Аллоҳдан ривоят этган сўзлари, яъни Азиз ва Жалил бўлган Аллоҳнинг ҳазрати Пайгамбаримизга тўш ёки илҳом воситасида билдирган маънолари. Қуйида «Ҳадиси Қудсий» — «Илоҳий ҳадислар»дан бир туркуминини эътиборингизга ҳавола қилаямиз.

Ҳазрати Али розиёллоҳу анҳунинг Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилишича, Аллоҳи таоло шундай буюрмишди: [Ла илаҳа иллоллоҳ] калиман шаҳодати менинг қалъамдир. Қалъамга кирган азобимдан омон қолади. «Кулим менинг ҳузуримга бир дунё гуноҳ билан келса ҳам, менга ширк қўшмаган бўлса, уни бир дунё мағфират билан қарши оламан». «Мўъмин кулим менга баъзи фаришталардан кўра ҳам севимлироқдир».



БОЛАЛАРНИНГ КЎЗЛАРИ УТКИР, ТИКИЛСА КЕЛАЖАКНИ КЎРАДИ...

Абдул Ғани ЖУМА сурати

Табриклаймиз!



Ҳурматли Тоҳир ЭРГАШЕВИЧ!

Сизни яқин кунлар ичида кириб келаётган туғилган кўнингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизнинг бундан кейинги ишларингизга ривож, ўзингизга мустақам соғлиқ тилаймиз. Хотиржамлик ва эзгу ниятлар доимо ҳамроҳингиз бўлсин деб АБДУМУМИН.

Меҳрибон синглим ЧИНОРА! Сени ўз севган касбингни эгаллаганинг ва ўқини мубаффақиятли тугатганинг билан чин юракдан қутлаймиз.

МИРЗАРАҲИМ, ҒУНЧА, БАХТИҒУЛ, ФАРРУХ, Тошкент шаҳри.

Ўғлимиз ҒАНИШЕРЖОН! Таваллуд айёминг муборак! Сенинг ҳаётда ўз ўринингни топиб, мубаффақиятлар қозонишингга тилакдошимиз. Отанг ҚАНОМ ва онанг ТУРСУНТОШ, Чирокчи, Хонтепа кишлоғи.

УЛУҒБЕК ака! Сизни тўғилган кўнингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ-умр, бахт-саодат тилаб укаларингиз.

КАМОЛ, АББОС, ОЛИМ.

Оила

30 ЕШДА

Ўзим Фарғонаданман. Болалар менинг жони-диллим. Аммо ҳаёт мени фарзанддан сиқди. Шу тўғрисида турмушимиз бузилди. Она меҳрига зор гўдакларга меҳрини берсам ва диёнатли, тўғ-

рисўз, ёши 30-40 ёшгача бўлган эркекни умр йўлдошим бўлишини истайман. «Оила-226».

23 ЕШДА

Тошкентлик турмушга чиқмаган, бўйи 170 см, касби тикувчи, зиёли оилада ўсган пазанда, чевар, оғир-босиқ, истарали қиз ўзига муносиб уйланмаган, баланд бўйли, келишган, кўнгли очиқ, тўғриси ўз йигит билан танишиб, бахтли оила қуриш истагиди. «Оила-227»


28 ЕШДА

Самарқандликман. Тошкентда икки хонали уйим

бор. Оғир ва қувончли кўларимда ҳамдард бўладиги шириндан-шакар икки наф ўғлимга оталик меҳрини ра оладиган, ўзини ва ўз қадрлай оладиган, севги ва вафонинг қадрига етувчи, сямимий, хушчақчақ, иродали, олий маълумотли 30-35 ёшлардаги инсон билан оила қуриш ниятидаман. «Оила-228»

ИЗОҲ: Яхши инсон билан оила қуриш истаганига мурожи азизлар! Сизнинг келган хатлар қўлингизга тезроқ истасангиз, таҳнинг «Оила» бўл хатларини олиб мумкин. «Оила»лар шулар жум

ОЛИМ БУРИЕВ



Элимизда истиқлол мушоираси авжида. Бутун бир халқнинг, халқ бўлгандаям Темурдек саркардаси, Берунийдек олими, Навоийдек мутафаккири бўлган улуг халқнинг қутлуғ истиқлолини бор бўйи билан тараннум этмаслик мумкинми, ахир. Йиллар орзу қилиб келган истиқлолимизни, Ўзбекистоннинг оламга юз тугишини куйлашдан ортиқроқ бахт-саодат борми ижодкор учун.

МУАЛЛИФ

КУТЛОВ

Юртим — Ўзбекистон бўлди мустақил,
Қадим давлат тили эрур туркий тил,
Ҳақни ҳайиқмасдан иқроор этар дил,
Ўзбекча сўзласанг бўлмайсан хижил,
Шукрки, шу кунга тўлди икки йил!

Олмону Арабу Ҳиндистон ила,
Туркия, Афғону Покистон ила,
Миср, Малайзия ҳам Жапон ила,
Хитоя Амриқо ҳам Эрон ила,
Хуллас, Ўзбекистон бир жаҳон ила,
Бирлашиб жаҳоний аҳд-паймон ила,
Туздилар ўзаро ёрдам деб, битим,
Сендан қудратлироқ юрт йўқдир, юртим!

Авалло барака берсин деҳқонга,
Сўнг шичи, зиёли, илму урфонга,
Инсофу адолат ҳар каттаконга,
Ҳокиму вазиру соҳибдеконга,
Юрт учун қайғурган марбу майдонга!
Ҳамду сано бўлсин Ўзбекистонга,
Покланган исломий қутлуғ маконга,
Аслзод фарзандга, ҳар хонадонга,
Қўш ишлинг муборак бўлсин истиқлол,
Мен сенга тилайман абадий иқбол!

САЙДҒАФФОР ЖАББОРОВГА

Қирқ йил озодликни орзу қилди қул,
Етди муродига ниҳоятда ул.
Ва лекин хўжаси деди, эй гулом,
Эшикдан ташқари чиққанинг маром.
Сени ўлдиршар, эрк йўлидан қайт,
Қулларча яшагил, шукроналар айт!
Йигирма қадамга эшик ораси,
Қулнинг қолган эди битта чораси.
Йигирма қадам у юриб ҳур бўлар,
Андин сўнг эшикдан чиқару ўлар.
Еинки ўлмасдан қоларди банди,
Қай бирин танласин башар фарзанди.
Сўнги бор хўжага таъзим айлаб қул,
Дедики: «Ҳур бўлиб ўлганим маъқул.
Озод бўлиб боссам йигирма қадам,
Бу оламда менга етади шу ҳам».
Бир умр қулликдан қаранги инсон,
Лаҳза озодлик деб фидо этди жон.
Биз ҳам етмиш уч йил қизил қул бўлдик,
Тобеъю забонсиз асл қул бўлдик.
Жон бермай, қон тўкмай лек бўлдик озод,
Ҳаққа етиб борди ўзбек чеккан дод!
Эл бахтин ўйласа ҳар бир юртбоши,
Йўлини ёритгай иқбол қуёши.
Истиқлол келмади гарчи қон билан,
Биз уни асрайлик, лекин жон билан!

Отаннинг хокида унганда майса,
Онанг мазориди ўтлар саргайса,
Суйанган тоғларинг бир-бир камайса,
Сени сўяб қолар оламда борлар.

Худога шукрона, худога таъзим,
Ўзгага сиғинмоқ гуноҳи азим,
Қанча бу дунёда этмагил базм,
Бир кун баданингни кемирар морлар.

Не янглиғ сўз билан айлама талқин,
Бухоро шўрҳокдир, Самарқанд салқин,
Зиёратга чорлаб жаҳоннинг халқин,
Санъатидан сўзлар улуг меъморлар.

Юртидан қувғинди бўлган муҳожир,
Ватан хоини деб айбланмас ҳозир,
Гадо бўлиб қайтар ё боён тожир,
Шукрки, тахт бору лекин йўқ дорлар.

Истиқлол ҳақида гўзал, кўркемроқ,
Шоирлар афсуски ёзмада камроқ,
«Гонорар оиди», — деб бўлиб шахдамроқ,
Бозорга мослашиб битар ишворлар.

Азалдан бир нега етгай идроким,
Жаҳондор шоҳ бўлгай, Аслзод ҳоким,
Хок эдим, оқибат қолгуси хоким,
Мендан гул ундирар фақат баҳорлар!

Икки йил тўлмоқда истиқлолимга,
Ун икки юлдуз жуфт бир ҳилолимга.

Ҳумодан тўғ тутиб бахтиёр халқим,
Берар бахт жавобин ҳар саволимга.

Елкамда йўқ энди бировнинг юки,
Эгаман ўз фикру ўз хаёлимга.

Ҳеч кимса бўйинини қисиб юрмагай,
Е ҳақин едириб бирор зolimга.

Мана икки йилдир мен ҳам авайлаб,
Умид-ла боқялман эрк ниҳолимга.

Парилар куйласа қўшиқларимни,
Девлар ҳасад қилди истиқболимга.

Худо сўз қудратин бердинг, минг шукур,
Ва лекин бермадинг омад Олимга!

БУ БЎСТОН САҲНИДА— ГУЛ КЎП, ЧАМАН КЎП

Ирода САИДОВА

Улим рўпарамда турар жилмайиб,
Қудратин кўрсатмоқ бўлар, чамаси.
Қўлидан қисматнинг тошин қўймайин.
Менга-чи, барибир ҳамма-ҳаммаси.

Тақдирнинг охири зарбин кутаман,
Юрагимга йиғиб бор тоқатимни.
Сўнг... дилда авайлаб олиб кетаман
Ҳақиқий ва сўнги муҳаббатимни.

Хайр!..
Кўзларингга изим солиб кетаман,
Ишончингни бирга олиб кетаман.
Тушқунлик жариди қолган ковушим,
Турна қанотида учган товушим —
Кўлларингга олиб, ортимдан боргин,
Йўқса борлигиндан хабар юборгин.
Хайр!..
Ишончингни олиб кетиб бораман,
Неча тўсиқлардан ўтиб бораман.
Этагимни ўпиб қолар қора тун,
Йўлларингга пешвоз чиқар ёруғ кун.
Ёруғ кун пойига аста қўйғум бош,
Сабрларим темир, сабрларим — тош.
Хайр!..

ТОШКЕНТ

Холпи НОРБОЙ

Ҳадсиз осмон. Сузади булут.
Кўм-кўк бўлган уфқнинг ўтлоғи.
Баланд қоя сақлайди сукрут,
Қучай десам етмас қучоғим.

Мўлтирайди кўзимга қўчқор,
Мен жимгина уни ўйлайман.
Чечак ёзар теграмда баҳор,
У, оламга боқиб тўймайман.

Ишонмайман шоир сўзига,
Дунё ҳадсиз дегани ёлғон.
Сўйлаётган қўчқор кўзига
Қириб кетди шундай кенг осмон.

Шеърпараст деб ўйлама мени,
Мендан фақат шеър сўрамагил.
Бир кун тутар сўзларнинг хуни,
Шунда қурбон бўлар гариб дил.

Шеър-қў менинг дилдаги болам,
Бор дардингни тўкман унга.
Ардоқлайман, тонг чоғи олам —
Ишонландек отғувчи кунга.

Шеър — дардларнинг гўзал уммони,
Гоҳ йиғлайман, куламан гоҳо.
Мен шоирмас, мен оддий инсон,
Шеърга қараб бермагин баҳо.

Майли, сенга шеър керакми, ол,
Не истасанг розиман гулим.
Уқи, мана, қучоғимда қол,
«Езилмаган шеър эрур дилим».*

*Рауф Парфи сатри.

ДЕҲҚОНОБОД

Озода ТУРАҚУЛОВА

ЎКИНЧ

Бу шеърни мен Сизга ўқиниб ёздим. Қайт-
манг... Кутмайман...

Ойнинг нурларини синдирманг,
Сизга тароқ ясаб берай деб.
Юлдузнинг кўксини куйдирманг,
Совизан кўнглимга чўғлар терай деб.
Энди кеч, Кеч бўлди. Энди кеч.
Энди «севардим» деб ҳайқирманг,
Чўчиб кетишади тунларим.
Кутмайман ёнимга сира ҳам келманг,
Сизсиз ҳам чиройли ўтар кунларим.
Энди кеч, Кеч бўлди. Энди...

УШАЛ КУН

Сочимда парилар ўй сурди,
Ой ҳам мендан ўшанда юзин ўғирди.
Тун яна ажойиб азоблар тугди,
Унашган кунини..
Кўзимни аламлар ўйнади,
Бу кўзлар васлинега тўймади.
Ҳижронга мени асло қўймади,
Тўй кунини..

Менга содиқ бўлсангиз,
Армонимни ўлдиринг.
Бир кун қошимга келиб,
Қалбим нурга тўлдиринг.
Юзи куюк ғамимни,
Оч ҳижронга едиринг.
Майли соғинмасангиз,
Соғинтириб ўлдиринг...

ФАРҒОНА

Спорт оламида

Ўзбекистонда туғилиб оёққа турган, шу тупроқ устида ном чиқарган ва ани пайтда Россия фуқаролигини қабул қилиб киндик қони сачраган юртин бир умрга бўлмасда ҳар ҳолда оёғи, қўли ва бели кучдан қолгунга қадар тарк этишга жазм қилган собиқ «Пахтакор»чи, Ўзбекистон терма жамоасининг ишончли ярим ҳимоячиси Андрей Пятницкий ҳам аслида қошиқ ушлашни ўзимизникилардан ўрганганди. Энди у мамлакатимиз учун эмас, балки Россия деб жон койитиб, жом кўтаради. Бу нима?..

Гапнинг очигини айтадиган бўлсак Андрей Пятницкийнинг Ўзбекистондан кетмасдан бошқа чораси ҳам йўқ эди, чамамда. У футболчи сифатида роса пишиб етилган чоғида, бир мамлакатга катта фойда келтириши мумкин бўлган паллада Россия ўлкасини танлади. Демак, урисларнинг футболчи бундан бўёғига ҳам изчил юксалишда давом этаверади.

Ҳа, Андрей Пятницкий энди ўзбеклар шарафини ҳимоя қилиш учун майдонга тушмайди. Келинг, унинг ушбу қилмишини тузлигимизга тупурди ҳам дея қолайлик. Ана шундагина воқеаликка тўғри баҳо бериш мумкин бўлган бир савол туғилади: қандай тузлиққа тупуриш осон? Пастдагисигами, юқоридагисига? Албатта бўйнинг етганига-да!

Баъзида шундай воқеалар юз берадики, кўлимиздан келадиган юмушни амалга оширишга мажбур бўлсак-да виждон чегарасидан чиқиб кетишдан кўрқиб дарҳол ўзимизни тийиб оламиз. Бунинг учун одамга инсоф ва озгина бўлса-да меҳр-шафқат керак. Лекин баъзида, алам ёки жаҳл устида кўзимизга ҳеч нарса кўринмайди. Ҳаёт шундай қаттиқ кистовга оладики, на виждон, на йимон билан ҳисоблашшга вақт топасан киши. Аксига олиб «қўй, қўй» дея инсофга келтирадиган ҳамдард ҳам топилмайди. Ана шу паллада оёқ остида турган супранингми, тузлиқнингми, қисқаси қадамда тўғри келган ҳамма нарсанинг бахридан утиб юбориши мумкин одамзот. Худди шу шароитда содир этилиши лозим бўлган кўнгилсиз воқеанинг олдини олиш учун ягона йўл — яқин атрофдаги ҳамма-ҳамма нарсани дарҳол йиғиштириб улгуришидир. Супра бўлса ўраб олиш, тузлиқ бўлса озгина маҳкам бекитиш шарт.

Тажрибали футболчи Андрей Пятницкийнинг ўз ихтиёрига кўра Россияни танлаши ҳам бирор бир сабабсиз амалга ошмаган. У бир ярим йилдан ортиқ кутди. Аммо, Ўзбекистон терма

«ПАХТАКОР» ТАЖРИБА МАЙДОНИ ЭМАС

жамоаси тайинли бир гап айтмади ҳамда кишини бутун оламга танилиши лозим бўлган бирорта ҳам ФИФАнинг расмий учрашувини ўтказишга шошилмади. Аксига олиб уни деярли ҳар кун Россия терма жамоасида тўп суришга чакираверди. Бу тўғрида «Советский спорт» ҳамда «Футбольное курьер» ҳафталигида кўплаб хабарлар берилди. Шундай бўлсада, федератсия бирорта фойдали ҳаракат қилмади. Орада Пятницкий «Пахтакор»дан Москванинг «Спартак» жамоасига шартнома орқали ўтиб, дунёнинг ярмини кезиб келди ва ўзига хос обрў-этибор топди. Тез орада бутун жаҳонга донғи кетган Испаниянинг «Реал», «Барселона», Италиянинг «Интер», Голландиянинг «Аякс» профессионал клубларидан турли таклифлар туша бошлади. Демак, у бир йил мобайнида илгариги шухратидаги ўн хисса кўп муваффақиятга эришди.

Миллатимиз ва миллий футбол федератсиямиз олдида турган энг долзарб масала футболни ривожлантириш бўлиши керак. Пятницкий кетди, лекин бу тўғридаги фикрлар баъзида сирлигича қолиб кетмоқда. Гўёки ҳаммасига Андрейнинг ўзи сабабчи-ю, бошқаларнинг заррача ҳам айби йўқдек. Яна бир мисол қилиб терма командамизнинг асосий аъзолари дарвозабон Анвар Жабборов билан ҳужумчи Игорь Шквиринни олиш мумкин. Анвар шу йилнинг бошида ҳеч кимга билдирмасдан, ҳеч кимни назарга илмасдан Россияга қўйиб бўлди. Игор Шквирин эса бир йилдирики, Исроиладан келай демаяди. Уни на Ўзбекистон футболдаги бугунги муҳит, на-да терма жамоамизнинг таркиби қизиқтиради.

Навбатдаги 2-миллий чемпионатимизнинг биринчи давра учрашувлари якунланган деб қолганда Олимпия терма жамоамизнинг ҳужумчиси, «Пахтакор»чи Валерий Кечинов ҳам руҳсат ва оғохлантиришсиз Москванинг «Спартак» жамоасига қочиб кетди. Кечинов масаласида мени бир нарса қаттиқ ҳайратга солади. Нима, мамлакатимиз футболчи кимларгадир вақтинча кўнимгоҳми? Икки йилдир-



СУРАТДА: АНДРЕЙ ПЯТНИЦКИЙ (чап-да) «ПАХТАКОР» — «СПАРТАК» ВЛАДИКАВКАЗ УЧРАШУВИ ПАЙТИДА. 1991 ЙИЛ. ТОШКЕНТ

ки, Россия кўнгли тусанган футболчимизни мураббийлар руҳсатисиз чақириб олмақда. Наҳотки, ФИФАнинг тўлақонли аъзоси бўлган мамлакатимиз бошқалар учун текин тайёрлов манбаи бўлса?

Ҳар бир футболчи иложи борича кучли ва таниқли жамоада ўйнасам дейди албатта. Бундан тўрт-беш йил муқаддам Ўзбекистондаги каттаю кичик ҳамма тўп тепувчилар фақат «Пахтакор»да ўйнашни орзу қиларди. Чунки ушбу жамоа ўша пайтларда республикамизда ягона бўлиб, СССР чемпионатининг олий лигасида қатнашарди. Замона зайли билан СССР парчаланиб кетди. Шу билан бирга «Пахтакор»даги кўпгина маҳоратли футболчилар бошқа жойларга кўта бошладди. Нега? Чунки мамлакатимизда улар тўп сураётган жамоага бас кела оладиган рақиблар қолмаганди. Ўзинга нисбатан кучсиз жамоани катта ҳисоблар билан ютавергани билан барибир маҳоратинг ошмайди. Тажрибага — тажриба қўшишининг энг осони ўз тенгинг ва имкон бўлса ўзингдан устун турадиган футболчилар билан беллашишдир. Бундай фикрларни терма жамоа мисолида ҳам кўплаб айтишимиз мумкин. Шу хилдаги мунозаралардан равшани, Андрей Пятницкий Россия фуқаролигини қабул қилаётган пайтда бу борада кўп бошқотирган бўлса ажабмас. Россия 1994 йил АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди. Биз эса ҳозирча бундай шароитга эга эмасмиз. Эҳтимол айрим кишилар онгида 1994 йил бўлмаса, 1998 йилги биринчиликда мамлакатимиз

ҳам қатнашар. Шу боис Пятницкий бироз сабр қилса ҳам бўларди деган фикрлар туғилиши мумкин. Аммо шунинг ҳам унутмаслигимиз керакки, у пайтга бориб Андрейнинг ёши 32 га етади. Бу ёшда аксарият футболчилар ўйинни йиғиштириб мураббийлик вазифаларига ўта бошлайди.

Гап шу — мен ўз фикрларим билан Андрей Пятницкий қилмишини кўпга овоза қилиб уни оқламоқчи эмасман. Маълум маънода Андрейда ҳам айб бор. Нима бўлганда ҳам туғилган юртга содиқ қолиши унинг виждоний бурчи эди. Барча футбол ўқиқибозлари умид билан қараб турганда. У ҳаммамизни умидсизлантириб кетди. Шу вақдан зиммасига кўпгина айб ва хатоларни юксалишимиз мумкин. Бирок, барибир кеч. Бу билан кейинги навбатларда турган «кетувчилар»ни тўхташиб қолмаймиз Яхшиси айбни бир-биримизга ағдаравермасдан ўз вақтида оғзи очиб турган тузлигимизнинг устини маҳкам бекитиб қўйишимиз шарт. Ваҳоланки яхшими-ёмонми Андрей Пятницкий юртимизда тарбия қўриб оёққа турган футболчидир. Унга қорин тўйдириш учун қошиқ ушлашни ҳам. Ўзимиз ўргатганмиз. Эндиликда олдимизда турган ягона вазифа шуки, унинг Европада ва жаҳон чемпионатларидаги ўйинларини зимдан кузатиб бориш, таъбир жоиз бўлса имкониятга қараб хизматларидан яна фойдаланиш.

Нормурод МУСОМОВ

КИМ КУЧЛИ!!

Гомел шаҳрида кикбөксинг бўйича МДХ 2-чемпионати ниҳоясига етди. Унда Арманистон, Беларус, Қозғистон, Қирғизистон, Литва, Россия, Ўзбекистон ва Украинадан таширф буюрган энг маҳоратли спортчилар қатнашиб, Россия терма командаси биринчи ўринни эгаллади. Ўзбекистонликлар эса тошкентлик Р. Розоқулловни ҳисобга олмаганда яхши натижаларга эришолмади.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ҚАМОҚДА

Велоспорт бўйича чехиялик жаҳон чемпиони Радомер 18 ойга озодликдан маҳрум этилди. Сабаби чемпиони ўз шахсий машинасида катта тезликда кетаётган йўл қандайсини бузди ва оқибатда уч йўловчининг ҳаётига зомин бўлди.

ЭҲТИЁТ БУЛИНГ, УҒРИ!

Москвадаги «Шереметево-2» тайёрагоҳида Словениядан қайтаётган волейбол бўйича Россия ёшлари терма командасининг аъзоларини маҳаллий ўғриллар шип-шайдон қилиб кетишди. Умарияган буюмлар орасида спортчиларнинг қимматбаҳо қиймалари, японларнинг

«микасар» фирмасида тайёрланган ял-яғи тўплари ҳам бор эди. Бундан бўёғига командага қандай тўплар билан машғулот ўтказиш муаммо бўлиб турибди.

ҚўЛ БИЛАН ЭМАС, АҚЛ БИЛАН ЮРИШАДИ

Шу йилнинг 6 сентябрыда шахмат бўйича яна жаҳон чемпиони юришлари бошланди. Унда собиқ чемпион Анатолий Карпов билан Ян Тимман учрашади. Эслатиб ўтамиз, тож талашувининг ушбу беллашуви Голландияда бошланиб Оманда ниҳоясига етади.

ДАСАЕВНИНГ ЧўғИ УЧДИ, ЧЕРЧЕСОВНИКИ-ЧИ...

«Спартак» ҳамда Россия терма жамоасининг «темир» дарвозабони Станислав Черчесов навбатдаги футбол мавсумини Дрезденнинг «Динамо» (Германия) жамоасидан бошлайди. Томонларнинг келишувига қараганда ўртадаги шартнома 3 йилдан ошмайди кўрилади. Бундан бир неча йил олдин «Спартак»нинг моҳир қўриқчиси Ренат ака Дасаев ҳам хориж сафарига — Испаниянинг «Севиля» клубига кетганди. Кетдию, футбол билан аллақачон хайрлашган бўлса-да, Ватанига қайтиб келмади. Шу боис унинг номи муҳлис-лар ёдидан бутунлай кўтарилди.

«ШИЛИНГ БОБОЙ» КАПРАТИВИ

[ҳажвия]

— У, уккағарлар-ей, ў худ-до беҳабарлар-эй! Бу одамларда инсофди «и» сиям қомапти. Индамасанг, юрадин йўлингдиям «капаратип»га айлантиришдан тоймайди-я булар. Эртагаёқ шу катталарди олдига чиқмасак бўлмайдиған кўринади. Э, бу исбилмаслар «витиран» деганди билмаса, қари-қаранг демаса, сўлоқмондай-сўлоқмондай бўлиб, ҳожатхона эшиги олдига турволганини қара. Яна уялмай-нетмай: Олдин ақасини чўзинг, бобой дейди, безариб. Кирарингдиям, чиқарингдиям билмайсан. Киста кавлашга вақтинг бўлса-ку, ҳай-ҳай, бўлмаса аҳволнинг вой-вой.— Ҳай, бобой, бўла қолинг, бу жойни яқиндан капратив қилдик,— эмиш,— икки сўм тўласангиз, чиқишингизда зўр адеколондан себиб қўямиз, уйга борсангиз кампирингиздиям боши айланиб кетади, бунинг ҳидидан, эмиш.

Айланади-я, айланади. Қирқ йилдан бери айланмаган энди сени атирингга айланадими? Шифрми, тунуками, тушунгди сувга айт, тирмизак!

Хуллас, Турди қоровул сўкина-сўкина уйга етиб келди. Аммо ҳамон жаҳлдан тушмаган эди. Одати

шунақароқ, то эсидан чиқмагунча жағи тинмайди. Шундай деймиз-у бобомизни ҳам узиб оладиган бир киши бор. Ким дейсизми? Ҳа, энди ўша бобонинг қирқ йилдан бери боши айланмайдиган кампири. Ҳожар хола-да. Бирон-бир оламшумул масала хусусида тортишувлар бўлиб қолса, албатта, Ҳожар хола ҳақ бўлиб чиқади. Бугун ҳам шундай бўлди. Ҳожар хола чолининг тутақиб келганига чидаши мумкин эди-ю, лекин хуржундаги «дунё» унинг бошини эмас, кўзини айлантириб юборди. Кенжа неварамнинг тўйига харжлаб келинг — деб йиғиб қўйганларини ҳам қўшиб бир рўмол пул берганди. Чоли олиб келган бир кийимлик атлас билан икки кийимлик япон матоҳини кўриб санашга тушди. (Кампири тушмагур бозорда «капаратип»лар кўпайиб, матолар камайиб қолганини суриштириб ўтирармиди...)

Ахир Турди бобонинг ўрнида сал бундайроқ одам бўлса, Ҳожар холанинг берган бир рўмол пулига ўша капаратиплардан... Ҳожар хола чолининг вазоҳатидан чўчиб ҳеч нарса демади. Аксига, Турди бобо ҳам кампирига ҳеч нима демай бошини қуйи солиб ни-

маларнидир ўйлай бошлади. Ва бироздан сўнг қўлига арра, теша, болта...ларни олиб чорбоққа шошилди. Танлай-танлай тераклардан бирига кучи етиб йиқитди-да шиббалашга тушди. Кечга бориб «тақ-туқ» тўхтади. Кампир ҳайрон. Сўрай деса, яна суҳбатлари бошланиб кетиши мумкин, чунки чоли қурғур ҳалигача араз. Хуллас, Ҳожар хола доғда қолаверди.

Тонг бўзарди. Турди бобо таҳоратини ушатиб, бомдод намозини ўқиб бўлгач, чорбоқдан кеча шиббалаб қўйган терагини кўчага судраб чиқиб кетди... Ора-сира кўча томондан машиналарнинг «ғийқ-ғийқ» қилиб тўхтагани, бироз ғала-ғовурдан сўнг яна гувиллаб жўнаб қолгани кампирнинг баттар ҳайратини оширарди. Йўқ, бўлмади. Ҳожар хола қизиқсиниб кўчага чиқди.

Қараса... чоли қурмагур гўдайганча со-оз-лаб йўлни тўсиб ўтирибди. Судраб чиққан терагига қартон қоғоз илиб кингир қийшқ ҳарфлар билан «Шилинг, бобой» капративи. Утиш 10 сўм». Ҳожар хола шу сўзларни аранг ҳижоқалаб ўқиб ҳанг-манг бўлиб қолди.

Н. КУДРАТОВ

ТЕГИРМОНДАГИ ГАПЛАРДАН

— Қани, юр! Тепага чиқ! Тезроқ қимирла! Ҳозир кўрамиз, одамларнинг гапи ростми ё йўқми?

— Вой-вой, дадаси, нима қилмоқчисиз? Нега мени тегирмонга судраб келдингиз?

— Нега эмиш-а? Би-р уриб... Жонга тегди, қишлоқдагиларнинг гапи. Қачон қарасам, орқамдан пичирлагани-пичирлашган. «Шу-у Эшматни хотинига қойиб қолиш керак. Бечора шу жиннига чидаб юрибди-я. Лекин хотин боши билан тегирмондан бутун чиқади» дейишганини ўз қулогим билан эшитдим. Қани, юр, тепага чиқ...

* * *

— Болтавой, қанақа одамсан-а? Уғлимга Болтавой амакиндан болгасини сўраб чиқ, деса нега сўқиб ҳайдадинг, болани?

— Узингдан кўр, Тешавой. Нима, эсингдан чиқди, баҳордаги қилигинг. Қўппа-қундузи, яна ҳамма қўйинларнинг олдига, ўғлимни узоқдан туриб бақриб сўқкандинг. У ҳам ёмон гап айтмаганди, бор-йўғи «Тешавой ака, бақлажон экатгандик, тешангиз синиб қолди» деганди, холос.

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадаҳон ЕҚУБОВ, Фарҳод РҶЗИЕВ, Мухаббат ИБОДОВА, Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Урол ҲАЗЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси,

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташиқлотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

1-қиз: «Нега Персига турмушга чиқмадинг?»

2-қиз: «Мен ҳаётнинг аччиқ-чучуқларини тотиб кўрган, тушунган эркакка турмушга чиқмоқчиман».

1-қиз: «Тушундим. Сенга хотини ўлган эр керак экан».

Йигит: Нега сенга ёзган хатимга жавоб ёзмадинг?

Қиз: Нимага? Сендан хат олганим йўқ. Бундан ташқари унда ёзилган гаплар ҳам менга ёқмади.

— Нима учун у қизга уйланмадинг?

— Унинг камчилиги бор экан, яъни бир сўзни айтганда дудуқлар экан.

— Вой бечора. Қайси сўзни?

— «Хўп» деган сўзни айта олмас экан.

ИНГЛИЗ ОИЛАСИ КУЛГИЛАРИ

— Кечирасиз, сиз кими бўласиз? — жавоб қайтарди ўтирган аёл.

— Ҳа-а-а... Сиз билан танишганимдан хурсандман. Мен унинг онаси бўламан.

— Кеча тунда Конрад билан жанжаллашишга сени нима мажбур қилди?

— У яна розилигимни сўради.

— Бунинг нимаси ёмон экан?

— Ахир оқшомдан аввал розилик берганимдан.

Еш эр: Отанга қарзим ҳақида гапирингиз журъатим етмайпти.

Еш келин: Сизлар қанақа кўрқоқ эркаксизлар-а?! Отам ҳам сендан қарзини сўрашга журъат тополмаётган экан.

Эр: Нима, тушикка фақат пишлоқми?

Хотин: Ҳа, котлет қуйиб, қуйида олма пирогига ўтди, кейин уларни ўчириш учун шўрвадан фойдаландим.

Инглизчадан Х. САИДОВ таржимаси



— ДЕПУТАТИМИЗСИЗ,
МАНАВУ ТЕШИКНИНГ ОҒЗИНИ
БЕРКИТИБ БЕРИНГ!..

Муаллиф: НУРМАН БЕРДИЕВ

Мирза РАҲИМ

Истеъдодли мусиқачи булбул хонишидан ҳам камчилик топа олади.

Тўтиқуш одамга ўхшаб гапиргани билан ба-рибир одам бўлмайди.

Қалбосасиз бутербурод ҳам бўлар эканми?

Ҳушёрхонага ўз хоҳишинг билан борганинг билан ўз хоҳишинг билан чиқиб кетолмас экансан.

Хотиндан кўрқмаслигимни фақат хотинга айтишдан кўрқаман.

Ақлинг узун бўлиб, қўлинг калта бўлиши ҳам бир қусур экан.

Илҳом ЗОЙИРОВ

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Намойишлар хибони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Урол ҲАЗЕК навбатчилиқ қилди.

Буона индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-452. 23.389 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.